

Нозил бўлган жойи: Макка Ибн Зубайрдан ривоят қилинади: «Амма ятасаалун» Маккада нозил қилинган» (Ибн Мурдавайх ривояти. Байхакий ва Ибн Зубайр Абдуллох ибн Аббосдан шу маънода ривоят қилишган). **Оятлар сони:**
40

Тартиб раками:
78

«Набаъ» сўзи «хабар, маълумот» маъносини англатади. Суранинг номи иккинчи оятдаги «улуг хабар» сўзидан олингандир. Шунингдек, ушбу сура биринчи оятдаги илк сўзни ҳисобга олиниб, «Амма» сураси деб ҳам аталади.

Ушбу суранинг аввалида Макка мушриклари Охиратда ҳисоб қилинишни масҳара қилиб, ўзаро бир-бирларига савол қилишлари ва бу борада улар турли фикрда эканликлари айтилиб, ундан сўнг Охиратнинг ҳақ эканига, Киёмат коим бўлишига далолат қилувчи ақлий далиллар ва ундан сўнг Киёмат қунида бўладиган воқеа-ҳодисалар келтирилади. Ўша қуни кофир ва гуноҳкор кимсаларнинг аҳоли танг бўлиши, уларга қилиб ўтган ишларига муносиб тарзда жазо берилиши айтилиб, унинг кетидан такводор мўмин бандалар кўрадиган неъматлар ҳақида айтилади. Бу неъмат ва яхшиликлар Аллох тарафидан экани эслатилади.

Шундан сўнг Киёмат қуни ҳақ экани, унинг содир бўлишида ҳеч қандай шубҳа йўқлиги, ким хоҳласа, Аллохга тоат билан қайтиши, бу айтилаётганлар яқин орада келадиган азобдан огохлантириш экани, Киёматда ҳар бир инсон ҳаётлик чоғида қилган яхши ва ёмон амалларига назар солганида, кофир банда ўзи учун тайёрлаб қўйилган азоб-уқубатларни кўриб, ундан қутулиб қолиш учун худди хайвонлар қаби тупрокка айланиб қолишни орзу қилиши ҳақидаги оят билан яқунланади.

Энди Аллохнинг мадади ва тавфиқи билан сура тафсирига киришамиз.

1. Улар бир-бирларидан нима ҳақида сўрамоқдалар?

Макка мушриклари бир-бирларидан инкор маъносида нима ҳақида сўрамоқдалар, бир-бирлари билан нима ҳақида суҳбатлашмоқдалар?

Ҳасан Басрий айтади: «Расулulloх соллalloху алайхи васаллам Аллох тарафидан Пайгамбар қилиб юборилиб, уларга Аллохнинг тавҳидини, ўлимдан кейин қайта тирилиш борлигини баён қилиб, уларга Куръондан оятлар ўқиб берганларида, улар бир-бирларига: «Мухаммад нима олиб келибди?» қабилида савол бера бошладилар. Шунда мазкур оят нозил бўлган» (Ибн Жарир ва Ибн Абу Хотим ривояти).

Айтилишича, бу ердаги сўровчилардан мурод икки тоифа – мўминлар ва кофирлардир. Уларнинг барчаси Киёмат қуни ҳақида савол қилишарди. Мўминларнинг ундан кўркуви кўпайиб, тайёргарлиги кучаяр, кофирлар эса истехзо ва масҳара билан кифояланар эдилар (Мухаммад Саййид Тантовий, «Ал-Васит»).

Лекин Хасан Басрий томонидан билдирилган фикр кучли саналади. Жумхур муфассирлар ҳам аввалги фикрни маъкул кўришган.

Макка мушриклари нима хакида савол киаётганларининг жавоби келаси оятда келтирилади.

2. Улуг хабар хакида

(сўрашмоқда)

.

«Улуг хабар» Расулulloх соллalloху алайхи васаллам олиб келган, шаъни улуг, ахамияти катта бўлган хабардир. Катода: «Улуг хабар – кайта тирилишдир», деган. Яъни улар бир-бирларидан улуг бир хабар

[\[1\]](#)

– ўлгандан сўнг Киёмат куни кайта тирилиш хакида сўрашмоқда. Аммо улар билмаганларини билиб, ўзларида илм хосил килиш учун эмас, балки инкор ва истехзо маъносида шундай килмоқдалар.

Аввалги оятда савол килишиндан мақсад кишилар диккатини маълум бир нарсага каратишдир. Агар тўсатдан: «Улар улуг хабар хакида (сўрашмоқда)», дейилса, бунга кўпчилик эътиборсизлик билан караши мумкин. Агар аввал савол килинса, кишилар: «Нима хакида сўрамоқда экан, ким сўрабди?» каби саволлар билан кизикиб масалага ахамият билан карай бошлайдилар.

3. Улар у хакида ихтилофдадирлар.

Макка мушриклари ўзлари сўраётган нарсалари хакида ихтилофдадирлар. Баъзилари: «Ўлгандан сўнг кайта тирилиш бўлиши мумкин эмас», дер эди. Куръони Каримда бундай тоифалар тилидан шундай дейилади: «

Хаёт факат

(шу)

дунёдаги хаётимиздир.

(Айримларимиз)

ўлсак,

(бошкаларимиз)

хаётга келаверамиз. Биз хеч кайта тирилгувчи эмасмиз

» (Мўминун, 37). Яна бошкалари бунга шубха билан карар эдилар. Улар хакида шундай дейилади:

«**Качон**

(сизларга)

:

«**Албатта, Аллохнинг ваъдаси ростдир.**

(Киёмат)

Соати шак-шубхасиздир

», дейилса, сизлар:

«**Биз у соат нима эканини билмаймиз, факат гумон киламиз, холос. Биз**

(Киёмат соати келишига)

аник ишонувчи эмасмиз

», **дединглар**

» (Жосия, 32). Яна бошка тоифалар кайта тирилишни масхара килиб кулар эди.

Демак, мушриклар Киёмат хакида турли хил фикрларни айтиб, ихтилоф килишган. Оятдаги «ихтилоф» сўзи мана шу маънони англатади.

4. Йўк! Улар яқинда биладилар.

Йўк! Иш Макка мушриклари айтаётганчалик эмас. Кайта тирилиш бўлмайди, Киёмат коим бўлмайди, деганлари ёлгондир. Балки Киёмат ҳақ, ҳисоб-китоб ҳақ ва унинг содир бўлиши ҳам ҳақдир. Сизлар, эй мушриклар, яқинда – жонларингиз таналарингиздан чиқарилаётганда ёки Киёмат куни амалларингиз хакида ҳисоб қилинаётганингизда – унинг асл ҳақиқатини, ўзларингиз бугунги кунда инкор қилиб турган, айни пайтда у хакида бир-бирларингизга савол қилаётган нарсанинг ҳақ эканини билиб оласизлар.

Араб тилида «каллаа» сўзи юкорида зикри келган нарсаларни бутунлай инкор қилиш маъносини англатади. Аввал салбий нарсалар зикр қилиниб, тўсатдан ижобий нарсалар зикрига ўтилса ёки аксинча бўлса, иймон ва куфр, жаннат ва жаханнам зикрлари келганида, асосан, мана шу сўз қўлланилиб, шундан сўнг нима ҳақ-у, нима ботил экани баён қилинади.

5. Яна бир бор, йўк! Улар яқинда билиб оладилар.

Бу таъкидлаш учун қайтарилмоқда. Яъни яна бир бор, йўк, сизлар инкор қилаётган, бўлиши мумкин эмас деяётган Киёмат ва у Кунда кайта тирилиш ҳамда ҳисоб қилиниш бордир. Уни яқин орада аниқ билиб оласизлар.

Куръони Каримда савол-жавоб маъносида келадиган, ахамиятли ёки катъият билан таъкидланадиган сўз ва жумлалар кетма-кет такрорланиши кўп учрайди. Бунга мисол қилиб бир неча оятларни келтириш мумкин. «(Эй инсон,)

Сен Ҳисоб Куни нима эканини қаердан биласан! Яна сен Ҳисоб Куни нима эканини қаердан ҳам билар эдинг!

»

(Инфитор, 17-18).

«Албатта сизлар жаханнамни кўрасизлар. Сўнгра, албатта, уни аниқ кўз билан кўрасизлар

»

(Такосур, 6-7).

Бу Куръони Каримнинг ўзига хос услубидир.

Макка мушриклари кайта тирилишни инкор қилишлари баён қилинган, энди Аллоҳ таолонинг қудратига далолат қилувчи, У Зот йўқдан бор қилиб, уларни кайта ярата олишига хужжат бўладиган тўққизта ақлий далилларни келтиришга ўтилади. Бу

нарсалар бежизга халк килинмаган. Зеро, кайта тирилишни инкор килиш дунёдаги махлукот ва яратилган нарсалар бекорга жорий килинганини даъво килишдан бошка нарса эмас.

6-7. Биз Ерни тўшак ва тоғларни козиклар килиб кўймадикми?!

Бу ердаги савол таъкидни билдиради. Яъни манавилар қандай килиб кайта тирилишни инкор қиладилар. Ахир улар Аллохнинг чексиз кудрати, У Зотнинг илми ҳар нарсани ихота килиб туриши ва Унинг хикматиға ҳар лаҳзада гувоҳ бўлиб турибдилар-ку?! Улар Ерга бир назар солсинлар. Аллох одамлар фойдалансинлар деб, уни худди бир тўшакдек юмшок ва мулойим ҳамда бешикдек қулай килиб кўйган-ку!

Бу ерда ажойиб бир ўхшатиш килинмоқда. Тўшак (арабчаси «михаадаа») аслида чакалок бола ётиши учун тайёрланган ўринни, яъни бешик маъносини англатади. Ер ҳам инсонлар унда макон тутиб, фойдаланишлари ва ҳаёт кечиришлари учун қулай килиб кўйилгани назарда тутилиб, у гўё «тўшак»ка ўхшатишмоқда.

Ҳақиқатан, Ер ва унинг тузилиш, ундаги қулайликлар ҳақида ўйлаб кўрган киши ушбу оятнинг нақадар ҳақлиғига амин бўлади. Ер қоинотдаги кичик сайёралардан бири бўлишига қарамай, у инсон ҳаёт кечириши, тирикчилик қилиш, экин экиши, яшаши ва макон тутиши учун Аллох томонидан ўта қулай килиб кўйилгандир. Қоинотдаги бошка сайёраларда бу ҳолатни қузатиш қийин. Ерни қулай килиб кўйилганини қуйидагилардан кўриш мумкин:

Ерда инсон учун энг муҳим бўлган, нафас олишини таъминлайдиган ҳаво мавжуд.

Ер ўзининг унумдорлиғи билан одамларга дехқончилик ва шунинг орқасидан тирикчилик қилиш имконини беради. Чунки Ер қавлашга осон ва унда унумдорлик бор. Бандалар ибрат олишлари учун ернинг баъзи қисмлари унумсиз ва қаттиқ килиб кўйилади.

Ерда турли минтақа ва юртлардаги одамлар фойдалансинлар деб, анҳор ва дарёлар чиқариб кўйилган. Чучук сув ва ундан фойдаланиш енгил қилинган.

Ернинг қулай килиб кўйилганини озон қатлами мисолида яққол кўришимиз мумкин. Ердан тахминан 20-25 км тепада жойлашган ушбу қатлам махлукотларни осмондан қеладиған турли зарар етказувчи нарсалардан – зарарли нур ва баъзи кичикрок самовий жисмлардан ҳимоя қилиб туради.

Ернинг тўшак ва қулай килиб кўйилганини бундан бошка нарсаларда, ҳаётдаги ҳар бир яратилган нарсада кўриш мумкин. Фақат бунинг учун бандадан ибратли назар ва салим ақл талаб қилинади.

«

Ва тоғларни козиклар қилиб кўймадикми?!

»

Ва У Зот Ер сизларни ва бошка махлукотларни силкитиб, остин-устин килиб юбормаслиги учун тоғларни Ер учун козик килиб кўйгандир. Бу хақида бошка оятда айтилади:

«

Сизларни тебратиб юбормаслиги учун Ерда тоғларни барпо килди

» (Лукмон, 10).

Таржимада

«

козик» деб ифодаланган сўз аслиятда

«

автаадаа» тарзида келтирилган. Мазкур сўз чодирнинг четларини маҳкам ушлаб туриши учун кокиб кўйиладиган козик маъносини ифодалайди. Тоғлар ҳам Ерни жуда каттик силкиниб, махлукотларни халок қилмаслиги учун уни козик каби мустаҳкам ушлаб туради.

Сув юзасидаги

«

тоғ»лар, яъни айсберглар каби Ердаги тоғлар ҳам ўзига тўрт ярим баробар келадиган илдизга эга бўлар экан. Буни замонавий илм тасдиқлаган.

Ушбу оятлардан Курайш кофирларининг бир-бирларидан сўраган нарсалари Куръон хақида эмас, қайта тирилиш хақида бўлгани келиб чиқади (Аш-Шавконий,

«

Фатхул кодир»).

Ушбу ва бундан кейин келадиган Аллохнинг кудратига ишора қилувчи оятлардан:

«

Аллох таолонинг бу ишларни қилиши осондир. Бунинг олдида Киёмат кунида ўликларни қайта тирилтириб, уларни ҳисоб қилиш ундан ҳам осондир», деган маъно келиб чиқади.

8.

Биз

сизларни жуфт қилиб яратдик.

Аллох таоло бутун махлукотни, хусусан, одамзотни, бир-бирига таянч ва қувват бўлиши, қалби таскин топиши, ҳаётда бир-бирига ҳамроҳ бўлиши ва наслнинг давомийлигини сақлаб қолиши учун жуфт-жуфт қилиб, яъни эркак ва аёл қилиб яратди. Аллох таоло айтади:

«

Унинг оятларидан

(яна бири)

– У Зот сизлар учун ҳамдам бўлишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир

» (Рум, 21).

9. Биз уйкуларингизни ором

[2]

килдик.

Аллох уйку холатини сокин ва оромбахш, инсонлар бадани, асаблари тин оладиган, тирикчиликнинг серташвиш юмушларидан бироз хордик чикарадиган соат килиб кўйди. Бусиз хаётни тасаввур килиб бўлмайди. Одам танаси кувват олиши учун уйқунинг ахамияти бекиёсдир. Аммо Аллох ана ўша уйқуни ором вақти килиб кўймаганида, инсон боласи кундузи фаолият олиб боришдан тўхтаган ва бу билан унинг хаёти издан чиккан бўлар эди.

Бу неъматнинг кадрига етишлари учун баъзида Аллох таоло Ўз хикмати билан бандалари орасидан маълум кишиларни кечасидаги уйқудан махрум килиб, уларни уйқусизлик касали билан синайди. Ёки баъзи холларда кеча ухламасликка тўғри келиб, бедор бўлиб чиқиш холатлари бўлиши мумкин. Бундай холатда киши кундузи беҳол, бемажол бўлиб, бирон ишга кириша олмай, ўзини мадорсиз хис килиб юради.

Биз таржимада

«

ором» деб ифодалаган сўз арабий матнда

«

субаатаа» деб келтирилган. Мазкур сўз аслида

«

тўхташ, узилиш; сокинлик» маъноларини англатади. Сабаби уйку пайтида инсоннинг бадани харакатдан тўхтайди, кўриш, эшитиш, хид, таъм билиш, терининг иссик-совукни ва кучсиз огрикни сезиш хусусияти, деярли, йўқолади. Барча асаб хужайралари дам олади, уйку холатида хатто нафас олиш ва юрак уриши ҳам маълум даражада секинлашади. Шунингдек, фикрлаш, онг, ақл юритиш, ташки таъсирларга жавоб кайтариш, ўзгаришларни сезиш ва улар хақида хулоса чикариш каби қобилиятлар ҳам йўқолади. Мана шу нарсалар уйқунинг ором вақти эканини англатади.

Ушбу оятга Мухаммад Саййид Тантовий

«

Ал-Васит» номли тафсирида:

«

Уйкуларингизда ором олиб, сўнг ундан уйғонишингиз худди ўлгандан сўнг кайта хаётга кайтарилишингизга ўхшайди», деб маъно берилган. Хақиқатан, уйку на ўлим, на тирикликдир. Бу хақида тафаккур килган банда Киёматда кайта тирилиб, ҳисоб килиншга аниқ иймон келтиради.

10-11. Биз кечани либос ва кундузини эса тирикчилик

(вақти)

килдик.

Худди либос баданни ёпиб, беркитиб тургани каби тун ҳам ўз зулмати билан барча

нарсани, хусусан, инсонларни кўздан беркитиб туради. Шу сабаб ҳам ояти каримада тун либосга ўшатишмоқда.

«

Ва кундузини эса тирикчилик

(вакти)

килдик

».

Аллох тунни махлукотлар учун уйку вакти, кунни эса тирикчилик ишларини олиб борадиган, ризк талабида ҳаракат қиладиган, касб-кор билан шугулланидаган пайт қилиб қўйгандир.

Кундузи ҳамма ёқни қуёш ёритиб туради. Маълумки, Қуёш нурлари барча махлукотлар, инсону ҳайвонот олами, хусусан, ўсимликлар учун, уларнинг ҳаёти ва тирик туриши учун ўта муҳимдир. Кундузни тирикчилик вакти қилиб қўйдик, дейилганда мана шу нарса ҳам назарда тутилади.

Тун ва кун ҳам Аллох таолонинг қудратига далолат қилувчи очик аломатлардандир. Агар тун ёки кунни абадий қилиб қўйганида, яъни доимо кун ёки доимо тун қилиб қўйганида, ҳеч ким тунни кунга, кунни тунга алмаштира олмас эди. Демак, тундан сўнг кунни келтириш Аллох учун осондир. Охират кунида жамики махлукотларни қайта тирилтириб, уларни ҳисоб қилиш У Зот учун бундан ҳам осондир.

Шундан сўнг бандалар эътибори осмондаги мўъжиза ва аломатларга қаратилади:

12. Устларин

ғизга етти мустаҳкам

(осмон)

ни бино қилдик.

Аллох таоло одамларнинг устларида етти мустаҳкам ва баланд осмонларни бино қилди. Осмонларнинг мустаҳкамлиги шундайки, улар ўз жойига маҳкам ўрнашган бўлиб, шунча давр ва замон ўтишига қарамай, Аллохнинг изни бўлмағунича завоқ топмайди, бирон ерга қилжмайди ва махлукотларнинг устига тушиб қетмайди.

Мана шу етти мустаҳкам осмон Ер ва унда яшайдиган махлукотлар, хусусан, инсонлар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Уларнинг тадбири эса Қодир Аллохнинг қўлидадир.

13. Ва чараклаб турувчи чирокни

(пайдо)

қилдик.

Жамики маълукотлар манфаат олишлари учун Аллох таоло зиёси ва ҳарорати ўта қучли бўлган Қуёшни яратди.

Куёш хам Аллох таолонинг кудратига далолат килувчи энг катта аломатлардан саналади. Бу ерда уни «чараклаб турувчи чирок» деб айтилмоқда. Хозирги ривожланган илм-фан бу нарсанинг сирини очди. Куёшни замонавий телескоп оркали кўрилса, у худди ўзидан олов чиқараётган машъалага ўхшар экан.

Ана ўша чараклаб турувчи Куёш фақат Ер ахли учун яратилгандир. Куёш хам коинотдаги осмон жисмларидан бири саналади. Аммо Куёш ўртача катталиқдаги юлдуз бўлиб, бошқа сайёраларга караганда Ерга анча яқин жойлаштирилгандир. Унинг Ерга нисбатан аниқ ўлчам ва ҳисобда жойлаштирилгани ва ернинг у атрофида айланишининг ўзи кишини иймонга келиши учун кифоя қилади.

Аллох таоло бежизга бу ерда Куёшни алоҳида зикр қилмаган. Сабаби Куёш Ердаги жамики мавжудотнинг яшаши учун ўта муҳим омиллардандир. Масалан, Куёш сўнса ёки бутунлай йўқ бўлса, шу захоти ерни зулмат қоплаб олади, изгирин совук шамол эса бошлайди. Тахминан, бир ҳафталар ичида дарё ва денгизларнинг суви музлаб, кейинчалик бутун ер юзини музликлар қоплаб олади. Бу эса махлуқотларнинг ҳалокатга учрашига сабаб бўлади. Демак, Куёш беҳисоб неъматлар ичидаги энг катта неъматлардан бири экан. Бунинг эвазига бандалар, Макка мушрикларига ўхшаб, ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қилмасдан, аксинча шукр қилиб, уни яратган Зотга хақиқий ибодат қилишлари керак.

Ўша Куёшнинг фойдаларидан бири денгиз ва дарёларидан сувни буглатиб, ёмғир ҳосил қилишидир. Қуйидаги оятда шу ҳақида айтилади:

14. Биз сиқиб чиқарувчи

(булут)

лардан кўп миқдорда сув ёғдирдик.

Аллох таоло махлуқотлар учун ёмғирли булутлардан кўп миқдорда барақали ёмғир ёғдиради. Бу хам ҳар бир махлуқотнинг ҳаётида катта аҳамиятга эгадир. Зеро, сувсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Сув махлуқотларнинг ризкига сабаб бўлувчи бош омилдир.

Зориёт сурасида

«Осмонда сизларнинг ризкинги ва сизларга ваъда қилинган нарса бордир»,
дейилган.

Келаси икки оятда нима сабабдан ёмғир ёғдирилиши айтиб ўтилади.

15-16. У

(ёмғир)

сабабли дон ва ўсимлик ҳамда бир-бирига кўшилиб кетган боғларни чиқаришимиз
учун

(шундай қилдик)

.

Яъни Биз Ердан одамлар ейдиган ва захира қилиб қўядиган ҳамда чорваларига едирадиган дон – бугдой, шоли, арпа, жўхориларни, ўсимлик ва гиёҳлар, турли хилдаги

дарахтлардан иборат бўлган, таъми ва хиди, ранги хар хил бўлган мевалардан иборат куюк богларни чиқариш учун осмондан кўп микдорда ёмгир ёғдирамиз.

Аллох таоло «ўлик» ерга жой киритиб, яъни осмондан ёмгир ёғдириб, шундай нарсаларни яратишга кодир экан, қандай қилиб ўлган нарсаларни қайта тирилтириб, уларни ҳисоб қилишга кодир бўлмасин? Хар бир ақлли банда буни инкор қилиши мумкин эмас.

Юқорида санаб ўтилган нарсалар – Ернинг инсон яшаши учун мослаб қўйилгани, тоғларнинг қозик қилиб қоқиб қўйилгани, бандаларни жуфт қилиб яратилгани, уйқуни ором, тунни либос ва кунни тирикчилик олиб борадиган вақт қилингани, одамлар устига етти мустаҳкам осмонни барпо қилингани, чараклаб турувчи қуёшнинг яратилиш ва осмондан сув туширилиши – буларнинг ҳамма-хаммаси бир-бирига боғлиқ, бир тизим ва бир илохий қонун асосида яратилган ва ўша қонун асосида ўз вазифасини адо қилувчидир. Бу нарсаларнинг ортида Бир Яратувчи, табдир қилиб турувчи, уларни бошқариб турувчи Зот борлиги аниқ. Улар ўз-ўзидан шундай бўлиб қолмаган. Балки ҳаммаси аниқ мақсад ва вазифа билан яратилган. Демак, шу нарсаларни яратган Зот – Аллох таоло Қиёматда бандаларини ҳисоб қилишга Қодирдир.

Аллох таоло мушриклар Қиёмат кунини ёлгонга чиқаришгани, бу ҳақида ихтилофга боришганини баён қилиб, Қиёматнинг содир бўлишига ақлий далиллар келтиргач, энди улар ихтилоф қилиб, у ҳақида бир-бирларига савол қилишаётган қун – Қиёмат кунини содир бўладиган баъзи ходисаларни келтиради.

17. Албатта, ажрим қуни белгиланган вақт бўлди.

Инсонлар беҳуда яратилганлари йўқ. Уларга неъматларни берган Зот энди уларни беҳуда тарқ қилиб қўймайди, қимдир иймон келтириб, яхшиликлар қилган, қимдир қуфр келтириб, Ер юзидида турли бузғунчиликларни содир этган, қимдир зулм қилган, яна қимдир зулм қўрган. Йўқ! Буларнинг ҳеч қайсиси изсиз қетмайди, ўлиб тупрокка айланиш билан қунланмайди, балки ҳали ҳисоб бор, муқофот ёки қазо бордир. Бу қун Қиёмат кунидир! Бу қун Охират кунидир!

Қиёмат қуни яхши билан ёмон, ҳақ билан ботилнинг ўртаси ажратиладиган, ҳисоб ва ҳукм қилиниш Қуни бўлиб, унинг қачон қоим бўлиши Аллохнинг даргоҳида тайин қилингандир, қатъий белгилаб қўйилгандир. Бу илми Аллох таолодан ўзга ҳеч қим билмайди. Қиёматнинг содир бўлиши бир қун олдинга ҳам, ортга ҳам сурилмайди. У Қунда Аллох аввалгилар ва охирилари бир жойга тўплаб, амалларига яраша ҳисоб қилади. Бас, бандалар ушбу Қунга тайёргарлик қўрсинлар.

У қунда қоинотнинг низоми бузилиб, Аллохнинг изни билан баъзи ходисалар юз беради. Жумладан,

18. У қунда сур қалиниб, сизлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб қеласизлар.

«Сур» пуфлаш асбоби бўлиб, биз унинг қандай сифатга эга экани ҳақида ҳеч нарса

билмаймиз. Бу билан машгул хам бўлмаймиз. Чунки бу нарса иймонимизни зиёда килмайди. Зеро, бу гайб илмидандир. Факат ўша куни сур чалинишига иймон келтирамиз, холос.

Ана ўша Кунда сур чалишга тайинланган фаришта Исрофил алайхиссалом Аллох таоло амри билан сур чалгач, одамлар кабрларидан туриб гурух-гурух, бўлиб, турли холат ва шаклда хисоб килиниш учун махшаргохга келадилар.

Бу ердаги сур чалиниш иккинчисидир. Биринчи бор сур чалинганида барча жонзотлар ўлади ва кейингисида Киёматгача бўлган жамики бандалар кабрларидан туриб – кайта тирилиб, Аллохнинг хузурига йўл оладилар. Бирон киши у ерга боришдан бош торта олмайди. Хамма Аллохнинг хузурида тўпланади.

19. Осмон очилади ва эшикларга айланади.

Ўша Кунда мустахкам осмоннинг кучли тизгини очилади, улкан борликнинг низоми бузилиб, осмон бўлакларга бўлинади ва худди очик эшикларга ўхшаб колади.

Баъзилар: «Осмон ёрилиб, турли йўлларга бўлинади ва ундан фаришталар тушиб келадилар», дейишган. Уларнинг далили куйидаги оятдир:

«

(Эй Мухаммад,)

осмон булутлар билан ёрилиб,

(барча)

фаришталар тушириладиган

(Киёмат)

Кунини

(эсланг)

!»

(Фуркон, 25).

Айтилишча, осмонда хар бир банда учун икки эшик бўлади: ризк эшиги ва амаллар кабул килинадиган эшик. Киёмат коим бўлганида ўша эшикларнинг барчаси очилади.

Эътибор беринг, юкорида осмонга «мустахкам» сифати берилган эди. Бу ерда эса ўша мустахкам осмон очилиши ва худди очик турган эшикларга айланиши айтилмокда. Бундан Киёматнинг содир бўлиши, у куннинг дахшати ва кўркинчи жуда каттик экани келиб чиқади.

20. Тоглар учирилиб, саробга айланиб колади.

«Сароб» аслида чўлдаги чанкаб турган одамнинг кўзига сув бўлиб кўринган, ёнига якинлашганда хеч нарса бўлиб чиккан нарсадир. Ушбу оятда айтилишича, Киёмат кунда ўзининг улканлиги ва пирвикорлиги билан одамларни хайратга солиб келадиган, дунёда Ерни силкиниб кетишидан саклаб турадиган катта тоглар хам саробга, майда жисмларга, кичик зарраларга айланиб колар экан. У тоглар шундай майда зарраларга

бўлиниб кетганидан узокдан караса, бир нарсага ўхшаб кўринса ҳам, яқинлашганда ҳеч нарсадек бўлиб қолади. Мана шу нарса тоғларнинг саробга айланишидир.

Тоғларнинг бундай ахволга тушиши бошқа оятларда шундай ифодаланган: «**Тоғлар титилиб, чанг-тўзонга айланиб қолади**» (Воқеа, 5-6).

Энди Киёмат кунида кофир ва мушрикларнинг холи не кечиши айтилади:

21. Албатта, жаханнам кўз тикиб турувчидир

[\[3\]](#)

«Жаханнам» Охират куни кофир ва осий бандалар азобланадиган жойнинг номидир.

Ўша Киёмат кунида жаханнам каттик киздирилиб, ёмон амаллари билан ўзига тушувчиларни кўз тикиб, илҳаклик билан, худди сергак пойлоқчи каби кутиб туради. Жаханнамдаги азоб берувчи фаришталар ҳам у ерга тушадиган осий бандаларни азоблашга шайланиб турадилар.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Жаханнам кўприги устида етти тўсик бўлиб, уларнинг биринчисида банда шаходат калимасидан сўралади. Агар тўлик жавоб берса, иккинчисига ўтказилади. У ерда намоз хақида сўралади. Агар тўлик жавоб ерса, учинчисига ўтказилади. У ерда закотдан сўралади. Бунга ҳам мукамал жавоб берса, тўртинчи тўсикка ўтишга рухсат берилади. Унда банда рўзадан сўралади. Агар тўлик жавоб берса, бешинчисига ўтказилади. Унда ҳаждан сўралади. Бу ерда ҳам тўлик жавоб берса олтинчи тўсикка ўтишга изн берилади ва у ерда банда умра хақида сўрок қилинади. Бунга ҳам тўлик жавоб берса, еттинчисига рухсат этилади ва у ерда банда зулм хақида сўралади. Агар зулм қилган бўлса, ўша хақида сўралади, акс холда, «унинг амалларига қаранглар, агар нафллари бўлса, ўша билан амалларини тўлдиришлар», дейилади. Ундан фориғ бўлгач, у банда жаннатга олиб кетилади (Хусайн Ибн Масъуд ал-Бағавий, «Маолимут танзил»).

Хўш, ўзига тушувчиларни азоблашга тайёр бўлиб шайланиб турган жаханнамга кимлар тушади.

22. (У жаханнам) тугёнга тушувчилар учун макондир.

Ха, Аллохнинг амрини четлаб ўтиб, тугёнга кетган, ўз хавойи нафси билан овора бўлиб, ўз холича, хохлаганича ҳаёт кечириб ўтган, Раббиларига қуфр ёки ширк келтирган, пайгамбарларини ёлгончига чиқарган, мункар ишларни содир этган исёнкор бандалар учун ана ўша кўз тикиб турган жаханнам макон бўлади. Хасан Басрий ва Катодалар: «Хар бир банда жаханнамдан ўтмагунича жаннатга қирмайди. Агар унга рухсат берилса, нажот топади. Акс холда жаханнамда ушлаб қолинади», дейишган

(«Тайсиру ибн Касир»).

23.

Улар у ерда узок замонлар

[\[1\]](#)

коладилар.

Тугёнга кетганлар жаханнамга тушишгач, у ердан чикиб кетишмайди, балки узок замон мобайнида, яъни абадул-абад, нихояси ва чек-чегараси бўлмаган муддатгача шундай азоб-укубатларни тортадилар.

Абдуллох ибн Масъуд айтади: «Агар ахли жаханнамлар дўзахда дунёда турганчалик муддат туришларини билганларида эди, хурсанд бўлар эдилар. Агар ахли жаннатлар жаннатда дунёда турганчалик муддат туришларини билганларида эди, махзун бўлар эдилар»(Хусайн Ибн Масъуд ал-Багавий, «Маолимут танзил»). Яъни ахли жаханнамлар жаханнамда оз муддат, дунёда яшаб ўтганларича миқдорда азобланишларини билганларида, азобимиз тезда ўтиб кетар экан, деб севинган бўлар эдилар. Агар жаннатийлар ҳам дунёда яшаб ўтганчалик туришларини билганларида эди, жаннатда бўлишимиз давомий эмас экан-да?! – деб хафа бўлар эдилар. Бу ерда кофирлар жаханнамга тушишгач, у ерда абадий қолишлари таъкидланмоқда.

24.

Улар у ерда бирон салкинликни ҳам, бирон ичимликни ҳам тотмайдилар.

Исёнкор бандалар жаханнамга абадий қоладиган бўлиб киришгач, у ерда турли-туман кийноқларга дучор бўладилар. Ана ўша азоблардан бири мана шу оятда айтилмоқда. Каттик иссик бўлиб турган жойда одам салкин ичимлик ичишни хохлаб туради. Аммо уларга салкин берадиган ва чанкокларини босадиган бирон ичимлик берилмайди. Балки

25. Факат кайнок сув ва йирингнигина

(тотадилар)

.

Осийлар жаханнамда бирон салкинликни ҳам, чанкокларини босувчи бирон ичимликни ҳам тотмайдилар, балки азоблари янада зиёда бўлиши учун кайноқлиги ўта юкори даражада бўлган, ичилганда томок ва коринни куйдириб юборувчи сув ва ахли жаханнамларнинг баданларидан куйиш натижасида оқиб тушадиган тер, кон ва йиринглардан иборат манфур бир суюкликни ичадилар. Бу нақадар ёмон холат!

Ўша кайнок сувнинг харорати шу қадар қучли эканки, ривоятларда келишича, ундан ичаман деган кишининг юз териси шилиниб тушар экан. (Бу маънода Абу Хурайра розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан хадис ривоят қилган. Хадиснинг санадини Ибн Мурдавайх чиқарган).

Хўш, улар нима сабабдан шундоқ азобларга гирифтор бўлмоқдалар. Бу уларга қилинаётган зулмми ёки ноҳақликми? Йўқ, балки...

26.

(Бу уларнинг килмишларига яраша)

муносиб жазодир!

Аллох уларга зулм килиб, жаханнамга ташлагани йўк, балки улар факат дунёда содир этган кабих килмишларига яраша жазо олмоқдалар. Бежизга ёки сабабсиз азобланаётганлари йўк. Бу кийноклар уларга килинган зулм хам, ситам хам эмас, балки муносиб жазодир. Зеро, куфр ва ширкдан катта гунох йўк, жаханнамдан улуг азоб хам йўқдир!

Одам боласи тугилиши билан олдиндан жаннатий ёки жаханнамий деб белгилаб кўйилмайди. Балки унинг дунёда килган ишларига караб ҳисоб килинади. Куйидаги оятларда ўша исёнкор ва тугёнга кетган бандаларни кандай амаллари ва эътиқодлари жаханнамга азобига олиб боргани баён килинади.

27. Улар ҳисоб-китобни умид килмас эдилар

[\[2\]](#)

.

Ўша исёнкор бандалар мункар ишларни содир этдилар, куфр келтирдилар, турли гунох ва маъсият ишларни килдилар. Сабаби улар Киёмат кунига, Аллохнинг даргоҳига кайтишларига ва ҳисоб-китобга ишонмас, уни ёлгон дер, у Кунда ҳисоб килинишда кўркмас, оқибатлари аянчли хотима топишидан хотиржам эдилар.

Демак, ҳар бир мункар ва ҳаром иш банданинг Киёмат кунига, у кунда ҳисоб бўлишига ишонмаслигидан, иймони йўк эканидан келиб чиқар экан. Уларнинг ҳисоб Кунига ишонмасликлари натижасида нима келиб чиқкани куйидаги оятда айтилади:

28. Ва Бизнинг оятларимизни каттик ёлгонга чиқарар эдилар.

Улар, шунингдек, Аллохнинг борлигига, Яққалигига, пайгамбарларнинг ҳақ эканига ва Қуръони Қарим Аллох таолонинг даргоҳидан нозил килинганига далолат килувчи кўпдан-кўп ҳужжат ва далилларни каттик инкор қилишар, куфрда оёқ тираб туриб олишар эди.

Аллох таолонинг оятларини ёлгон дейишнинг ўзи бандани жаханнам ўтига олиб борувчи нарсадир. Энди у бутун умр ёлгонга чиқариб, ҳаётини хам шу бузук ақида асосида ўтказган бўлса-чи?! Бундай банда абадул-абад азобланишга муносибдир. Шу сабаб хам юқоридаги оятда улар кўраётган бу азоблар «муносиб жазодир» деб айтилмоқда.

29. Ваҳоланки, Биз ҳар бир нарсани ҳисоб қилиб ёзиб қўйганмиз.

Аллох таоло илми шомил ва барча нарсадан кенгдир. У Зот бандаларнинг барча амалларини ҳисобга олиб қўйган, фаришталар уларнинг номаи аъмолларига дунёда айтган ҳар бир сўзларию килган ишларини битиб, муҳрлаб қўйгандирлар. Шу сабаб улар

дунёда содир этган гуноҳ ва жиноятларини «Биз килмаганмиз», деб инкор қилишга кодир эмасдирлар.

Тугёнкор кофирлар жаханнамда ўз ёғларига ўзлари ковурилиб, минг бир азоб ичида тўлганиб турганларида, уларга карата шундай дейилади:

30. Бас,

(эй кофирлар, жаханнамдаги азобларни)

тотиб кўринглар! Биз сизларга азобдан бошқасини харгиз зиёда қилмаймиз!

Яъни осий бандалар жаханнамга кириб, у ерда азоб тортаётганларида, тахкирлаш ва азобни янада ошириш максидида уларга карата: бас, шундай экан, сизлар Бизнинг оятларимизга иймон келтирмай, Хак Йўлни четлаб ўтиб, шайтонга, хавойи нафсларингизга мутеъ бўлган экансизлар, энди бунинг эвазига жаханнамдаги турли хил аламли, каттик оғрик берувчи азобларни, куфрингиз, фиску фужур ишларингиз ва исёнингизнинг аччиқ оқибатини татиб кўринглар. Сизларга шу хилдаги азобдан бошқа нарса зиёда қилинмайди! – деб хитоб қилинади.

Азобда қийналиб турганларга бундан ортиқ аламли сўз айтилмас керак. Бу азоблардан чиқиш ва халос бўлиши йўлини излаб турганларга, яна у ерда абадий қолишлари ва уларга азоб кўпайтирилиши ҳақида хабар қилиниши ва уларга хитоб қилиниб: «Бас, азобни тотиб кўринглар!» деб айтилиши кофирларнинг кўраётган машаққатларини минг баробар оширади. Бу эса уларга қўлланиладиган азобнинг бошқа кўринишидир. Аллоҳ таоло барчаларимизни бундоқ аянчли аҳволга тушишдан асрасин!

Абдуллоҳ ибн Амр айтади: «Жаханнам аҳли ҳақида ушбу оятдан ҳам шиддатлироқ бирон оят нозил қилинмаган. Улар учун абадул-абад фақат Аллоҳнинг азоби зиёда қилинади», деган (Абд ибн Хумайд, Ибн Жарир ва Ибн Мунзир ривояти).

Хасан ибн Дийнор айтади: «Мен Абу Барза ал-Асламийдан Аллоҳнинг Китобида аҳли жаханнамлар ҳақида айтилган энг шиддатли оят ҳақида сўраганимда, у «Бас, (эй кофирлар, жаханнамдаги азобларни) тотиб кўринглар! Биз сизларга азобдан бошқасини харгиз зиёда қилмаймиз!» оятини тиловат қилди» (Имом Табароний, Ибн Мурдавайх, Ибн Мунзир, Абд ибн Хумайд ривояти).

Куръони Каримнинг услубига кўра, Аллоҳ таоло кофир ва мушрик бандалар йўлиқадиган азоб-укубатлар ҳақида хабар қилгач, энди бандалар орасидаги саодатманд кишилар – такводор мўминлар кўрадиган мукофот ва неъматлар зикр қилинади.

31. Албатта, ютук такводорларникидир.

Бу ердаги «ютук»дан мурод «жаннат» ва «Аллоҳнинг розилиги»дир. Яъни, албатта, ютук – нажот ва жаханнам азобидан озод бўлиш ва жаннатга кириш Аллоҳ таолога ҳақиқий иймон келтирган, ўзини У Зот рози бўлмайдиган харом ишлардан саклаб юрадиган такводор бандаларгагина хосдир. Фақат мана шундай бандаларгина Охиратда ютукка, нажотга эришадилар. Зеро, чиройли оқибат такво эгалариникидир!

Такво ўзида бир неча сифатларни жамлайди. Аввало, Аллох таолонинг борлигига, У Зотнинг Яккалигига иймон келтириш, куфр, ширк ва нифокдан узок юриш, Аллох буюрган амалларни ихлос билан бажариб, кайтарган нарсалардан ҳеч бир шубҳасиз тийилишдир. Таквонинг умумий таърифи – шу. Аммо такво юкорида саналган нарсалар ичига кирувчи кўплаб эътикод, амал ва одобларни ўз ичига олади. Такво хақиқий мўминнинг сифатидир. Банда Охиратда нажот топаман, деса, албатта, такво билан сифатланиши лозимдир. Киёмат куни нажот топиш факат тафводорларга хос экани бошқа оятларда шундай баён килинган:

«Сизлардан ҳар бирингиз унга

(яъни жаханнамга)

тушгувчидирсиз.

(Бу)

Раббингизга

(яъни У Зотнинг амрига биноан)

вожиб бўлган ҳукмдир. Сўнг Биз такводор бўлган зотларни

(ундан)

куткарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан холларида

(жаханнамда)

колдирурмиз»

(Марям, 68-72).

Суранинг давомида нажот топадиган такводор бандалар жаннатга кўрадиган неъматлар хақида айтилади.

32-33.

(Улар учун жаннатда)

боғлар ва узумлар ҳамда ёши тенг бўлган кўкраги бўлик

(гўзал хур)

лар бордир.

Такводор бандалар жаннатда турли ноз-неъматлардан бахраманд бўладилар. Жумладан, улар учун тотли суви ва мевали дарахтлари бўлган гўзал боғлар, хурмо ва узумлар ва яна турли мевалар берувчи ажойиб дарахтлар бордир. Кайси мевадан ейишни хоҳласа, ҳеч кийналмай ундан узиб тановул килаверади. Жаннат мевалари ўзига хос таъмга эгадир. Кўринишидан дунёдаги меваларга ўхшаса-да, лекин мазаси ва хузур бахш этиши мутлақо ўзгача. Жаннат мевалари мукамалдир. Уларда гўрлик, нуксон, кўнгид айнитиш ва бошқа камчиликлар бўлмайди. Барчаси жаннатийларга хослаб тайёрлаб кўйилгандир.

Бу ерда богнинг зикр килинганидан сўнг мевалар ичдан узумнинг хосланишига сабаб у меваларнинг энг тотлиси, энг ширини ва бандалар учун энг севимлисидир.

«Ҳамда ёши тенг бўлган кўкраги бўлик

(гўзал хур)

лар бордир».

Ва жаннатийлар учун хусни-жамолда бир хил бўлган гўзал юзли, ўта чиройли, дуркун, тенг ёшдаги хурлар, сохибжамол аёллар бордир. Улар кўзларини тиювчидирлар. Бошкаларнинг уларга нигохлари тушмайди. Жаннатийларни чодирларда кутиб ўтирадилар. Жаннат хурларига уларга эга бўлувчи такводорлардан олдин бирон инсон ёки жин тегмаган бўлади. Улар шу даражада чиройлики, худди беркитилган дурга, ёкут хамда маржонга ўхшаб кетадилар.

Ха, дунёдалик чогида Роббига такво килган, ўзини фахш ва ёмон амаллардан саклаб юрган такводор мўминлар учун Аллох таоло жаннатда гўзал жуфтларни яратиб кўйгандир. Дунё аёлларида учрайдиган кўнгилга тегувчи бирон ёкимсиз холат жаннат хурларида учрамайди. Улар ўта пок ва хуснда тенгсиздирлар.

34.

(Шунингдек, улар учун)

тўла кадахлар бордир.

Жаннатийлар учун аклни кетказмайдиган, маст-аласт холга келтирмайдиган, ўзига хос сифатга эга бўлган тотли шароблар тўла кадахлар ёш гуломлар томонидан айлантиради. Улар хохлаганча ундан ичиб, хузурланадилар. Бу ичимликнинг охири дунё хамрлари каби мастлик ва уруш-жанжал эмас, балки рохат ва лаззатдир.

Аллох таоло жаннатийлар хакида шундай дейди:

«Улар у жойда

(шундай шароб)

косаларини талашиб – кўлма-кўл килиб ичадиларки, у

(шароб)

да

(яъни уни ичганлари сабабли)

на бехуда-сергаплик ва на гунох бўлади»

(Тур, 23).

Демак, жаннатдаги шаробнинг сифати хам дунёникидан бутунлай фарк килар ва ундан келиб чиқадиган натижалар хам ижобий бўлар экан.

35. Улар у ерда лагв ва ёлгон

(сўзлар)

ни эшитмайдилар.

Жаннат хаётидаги сухбатлар дунёникидан тубдан фарк килади. Жумладан, у ерда бекорчи, бехуда ва ботил сўз ва гаплар, уруш-жанжалга сабаб бўладиган ёлгончилик ва гийбатлар бўлмайди. Сабаби жаннат саломатлик жойи ва айб-камчиликдан холи макондир. Хусусан, такводор бандалар жаннатда шароб ичаётганларида уларнинг тилларида, дунёда хамр ичувчилар орасида бўладиган лагв, ботил, бехуда, фахш сўзлар ва ёлгон ишлатилмайди. Улар бир-бирларига ёлгон кўлламайдилар. Балки улар яхши сўзлар ва бир-бирларига саломнигина эшитадилар.

Ботил сўз ва ёлгоннинг бўлмаслиги жаннатийларга ўзгача рохат ва завк бахш этади. Бундан фойдасиз сўз ва ёлгон киши тинчлигини бузадиган нарса экани келиб чиқади.

36-37.

(Бу)

Роббингизнинг – осмонлар ва Ернинг хамда улар орасидаги нарсаларнинг Раббиси бўлмиш Рахмоннинг мукофоти ва етарли яхшиликдир. Унинг

(изни)

сиз гапиришга кодир эмаслар.

Ушбу оятларда жаннатийларга ушбу неъмат ва яхшиликларни ким тайёрлагаб кўйгани, бу нарсалар кимнинг мукофоти ва фазли-карами экани айтилмоқда.

«

(Бу)

Раббингизнинг... мукофоти ва етарли яхшиликдир»

[\[3\]](#)

.

Аллох уларга берган неъматлар мўмин ва такводорларнинг дунёда қилган солих амаллари эвазига берилгандир. Аллох таоло Ўз фазли билан уни янада зиёда қилади. Зеро, бу яхшилик ва неъматлар кифоя қилувчи, кўпаювчи ва давомийдир.

Юкоридаги оятда кофирларга карата: «Бу сизлар қилган ишларингизга муносиб жазодир!» деб хитоб қилиниши айтилган бўлса, бу ерда мўминлар кўрадиган мукофотлар етарли ва кифоя қилувчи яхшиликлар экани таъкиланмоқда. Бу эса ўз навбатида улар кўраётган рохатни янада зиёда қилади.

«Осмонлар ва Ернинг хамда улар орасидаги нарсаларнинг Раббиси бўлмиш Рахмоннинг...»

Бу юкоридаги оятда келган «Роббингиз...» сўзининг сифати бўлиб келмоқда. Яъни мана шу неъматлар Сизнинг Роббингиз – осмонлар ва Ернинг хамда улар ўртасидаги барча нарсаларнинг Раббиси, уларни яратувчиси, Эгаси ва тадбир қилиб турувчиси, раҳмати барча нарсадан устун бўлган Зот – Аллох таолонинг мукофоти ва етарли яхшилигидир.

«Унинг

(изни)

сиз гапиришга кодир эмаслар».

Осмонлар ва Ернинг ахли Аллох таолонинг рухсатисиз, У Зот изн бермагунича бирон сўз сўзлашга ва Ундан бирон нарса сўрашга, Унинг изнисиз бирон нарса қилишга эга бўлмайдилар, балки Унинг ҳузурида сукут сақлаб турадилар. Бунга ушбу оят далилдир:

«У Кун келганида, бирон жон гапирмас, факат

(Аллохнинг)

изни билангина гапиради»

(Худ, 105).

Киёмат коим бўлганида барча махлукотлар Аллох таолонинг измида, У Зотнинг хукми остида бўладилар, У Зотнинг изнисиз бирон махлукот бирон иш килишга, шафоат этишга ёки гапиришга кодир бўлмайдилар. Бу хакида куйидаги оятларда айтилади.

38. Ўша куни Рух

[\[4\]](#)

(Жаброил)

ва фаришталар саф бўлиб турадилар. Рахмон изн берганлар ва тўгри сўзлаганлардан бошқалар гапира олмайдилар.

Ўша Киёмат кунида фаришталар ва уларнинг энг улуги Жаброил Аллох таолонинг даргохида У Зотга бўйин эккан, ўзларини хокисор тутган холларида саф тортиб турадилар.

Мукотил ибн Хайён: «Рух фаришталарнинг энг хурматлиси, Роббига энг яқини ва вахий олиб тушувчидир», деган (Ибн Мунзир ва Ибн Хиббон ривояти).

Бу ерда Жаброил алайхиссалом назарда тутилмоқда.

Ибн Масъуд айтади: «Рух тўртинчи осмондадир. У осмонлар ва тоғлардан каттадир. Фаришталардан баъзилари хар куни ўн икки минг марта тасбех айтадилар. Аллох хар бир тасбехдан бир фариштани яратади ва Киёмат кунида улар саф-саф бўлиб келадилар» (Ибн Жарир ривояти. Лекин Ибн Касир ушбу ривоятнинг санадини «жуда гариб» деган).

«Рахмон изн берганлар ва тўгри сўзлаганлардан бошқалар гапира олмайдилар».

Аллохнинг буюклигидан, У Зотнинг муборак хузурида турганларидан Жаброил ва бошқа фаришталар гапиришга кодир бўлмайдилар. Факат У Зот изн берганларгина гапирадиган ва гапирганда хам рост гапни, Аллохни рози келадиган сўзни сўзлайдилар.

Сахих ривоятларнинг бирида: «Ўша куни факат пайгамбарларгина гапира оладилар», дейилган (Тайсиру ибн Касир).

Вохидий: «Мўминлар ва фаришталар ичидан факат Аллох изн берганларгина ўша Кунда гапирадилар», деган.

Ибн Аббос, Абу Солих ва Икрималар бу ердаги «тўгри сўз»ни (арабий матнда «совабаа» тарзида келган) тавхид калимаси, яъни «лаа илаахи иллаллоох»дир деб тафсир килишган (Ибн Жарир, Ибн Мунзир ва Байхакий «Ал-асмау вас сифат»да ривоят килган).

Бундан келиб чикадики, Киёмат кунида Аллох изн берган ва дунёда «Лаа илаха илаллох» калимасини айтиб, ўша калима асосида хаёт кечирган бандаларгина гапиришга рухсат этилар эканлар.

Киёмат кунида содир бўлувчи воқеалар, кофир кимсалар оладиган жазо ва такводорлар кўрадиган мукофотлар хақида айтилгач, энди гафлат уйкусида ётган ва мудраб юрган бандаларни сергак торттириш ва уларни Охират азобидан огохлантириш учун шундай дейилади:

39. Бу Хак Кундир. Бас, ким хохласа, Роббига кайтиш йўлини тутати.

Мана шу Киёмат куни ҳақдир, унинг содир бўлишига, ўша кунда ҳисоб бўлишига ҳеч қандай шубҳа ва гумон йўқдир. Бу кун хақида ўзаро тортишиб, бир-бирига савол қилиш ва ихтилофга тушиш жоиз эмас, факат у кунга ҳозирлик кўриш керак, холос. Киёматдан, ўша кунда ҳисоб қилинишдан қочиб қутулиб бўлмайди. Бу кунда сирлар ошкор бўлади, қалблар яшириб юрган нарсалар очилади, бандалар амалларига яраша ҳисоб қилинадилар. Бас, шундай экан, кимки хохласа, вақт борида, фурсат кўлдан кетмай туриб, ошна-огайничилик, бойлик ва фарзандлар манфаат бермайдиган, ҳар ким ўзи хақида ўйлаб қоладиган Кун келмасидан туриб, жаҳаннам унинг учун макон бўлмасидан олдин солих амаллар қилиб Роббига яқинлашсин, иймон ва тоат билан Аллохга қайтсин, У Зотнинг савоби ва мукофотига эришишга шошилсин, азоби ва жазосидан ўзини саклаб қолсин! Зеро, солих амаллар бандани Аллохга яқинлаштиради, гуноҳ амаллар Ундан узоклаштиради.

Ушбу сура Аллох таолонинг бандаларни таъсирли суратда огохлантириши билан яқунланади:

40. Биз сизларни яқин

(да содир бўладиган)

азобдан огохлантирдик. Ўша Куни ҳар бир киши ўзи қилган нарсага назар солади ва кофир кимса: «Эҳ, қани энди, тупрокка айланиб кетсам!!!» деб

(орзу қилиб)

қолади.

Яъни Биз сизларни, эй кофирлар, яқинда содир бўлувчи, қелиши аниқ бўлган Киёмат кунидаги азобдан огохлантирдик.

«Яқин азобдан»

деб айтилишига сабаб дунё хаёти кўз очиб юмгунча, жуда тезлик билан ўтиб кетишига далолат қилади. Бу хақида бошқа оятларда шундай дейилган:

«Улар у

(Кун)

ни узок деб биладилар. Биз эса унинг яқинлигини биламиз!

» (Маориж, 6-7). Хаёт худди ярим кундек ўтиб кетганини Аллох таоло шундай тасвирлайди:

«Улар у

(Киёмат Соати)

ни кўрадиган Кунда

(бу дунёда)

гўё биргина пешиндан сўнг ёки чошгоҳ пайтида тургандек

(яъни бир кун хам яшамагандек)

бўлиб коладилар!

» (Нозиот, 46).

Демак, Киёмат кунининг келиши якин, хаёти дунё тез ўтиб кетади. У кунга муносиб тайёргарлик кўриш керак!

«Ўша Кун

(хар бир)

киши ўзи килган нарсага назар солади».

Мана шу кунда хар бир инсон дунёда килиб ўтган яхши ва ёмон амалларига караб колади. Яхши амаллари кўп бўлса, бундан хурсанд бўлиб, жаннат хакида, ўзининг чиройли окибати хакида башоратланади. Агар ёмон амаллари кўп бўлса, хасрат-надоматга тушиб, каттик пушаймон чека бошлайди.

Хасан Басрий айтади: «Бу ердаги «киши»дан мурод мўмин кишидир. У ўзи учун яхши амални кўради. Кофир эса ўзи учун тайёрлаган ҳеч нарсани кўрмайди ва шу сабаб тупрокка айланиб қолишни орзу қилади».

«Ва кофир кимса: «Эҳ, кани энди, тупрокка айланиб кетсам!!!» деб

(орзу қилиб)

колади».

Илохий амр ва қайтариклар билан вазифаланмаган хайвонлар орасида ажрим қилинган сўнг Аллоҳ таоло уларга: «Тупрокка айлан!» деб нидо қилади. Шунда кофир банда аламли, оғрикли азобга йўлиқмаслик учун худди хайвонлар каби тупрокка айланиб қолишни орзу қилиб колади.

Абдуллоҳ ибн Амр айтади: «Киёмат қоим бўлса Ер чўзилади ва барча хайвонлар, хашоратлар бир жойда тўпланилиб, улар орасида қасос олиб бериш бошланади. Хатто шохли чўчкордан шохсиз кўчкорнинг қасоси олиб берилади. Шу иш адо этилиб бўлингач, уларга: «Тупрокка айланинглар!» дейилади. Шунда кофир: «Эҳ, кошки эди, тупрокка айланиб қолсам!!!» деб колади

[\[5\]](#)

Набаъ сурасидан олинадиган хулоса ва фойдалар:

1. Курайш қабиласига мансуб бўлган мушриклар Киёмат кунини инкор қилганликлари.

2. Улар Киёмат куни хакида бир-бирларига инкор ва истехзо маъносида савол берганликлари.
3. Киёмат содир бўлишига шубха қилиш ёки у кунни масхаралаш кофир ва мушрикларнинг сифати экани.
4. Вакт ўтгач, иймон ва икромнинг фойдаси йўқ экани, банда ҳаётлигида Аллоҳ таолога, барча иймон келтириш лозим бўлган нарсаларга, хусусан, Киёмат кунининг содир бўлишига шубҳасиз ишониши ва у Кунга тайёргарлик қўриши лозим экани.
5. Ерда, осмонда ва теварак атрофимиздаги ҳар бир нарсада Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далолат қилувчи белгилар жуда кўп экани.
6. Киёмат куни қачон содир бўлиши тайин қилиб қўйилгани.
7. Ўша кунда борликнинг низоми бузилиши.
8. Кофир ва мушрик бандалар Киёмат кунида сўнгсиз азоб-укубатларга йўлиқишлари.
9. Ҳар бир банданинг – мўминнинг ҳам, кофирнинг ҳам – ҳар бир қиладиган амали фаришталар томонидан аниқлик билан ёзиб борилиши.
10. Такво сифати бандани жаханнам азобидан қутулиб, жаннатга киришига сабаб бўлиши.
11. Киёмат қоим бўлишига шубҳа йўқ экани.
12. Қимқи оқибати хайрли ва Охиратда ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлишни хоҳласа, иймон ва такво билан Аллоҳ таолога қайтиши ва У Зот йўлида ҳаёт кечириши лозим экани.
13. Киёмат кунида ҳар бир инсон дунёдалиқ чоғида қилган амалига қараб ҳисоб қилиниши, ўз-ўзидан бирон зулм ёки муқофот берилмаслиги, балки барчаси бандалар қилган амалларга қараб баҳоланиши.

[1] Ҳаққоннинг сўзи Ҳаққоннинг қўпик шакли бўлиб, уламолар унга бир неча изоҳ беришган. Аслида ушбу сўз «замон, давр» маъносини англатади. Суддий:

«
Хукб етмиш йилдир
»

, Башир ибн Каъб:

«

Уч юз йил

»

, Ибн Умар:

«

Кирк йил

»

, деган. Айтилишича, у ўттиз минг йилга тенг даврдир. Хасан Басрий айтади:

«

Ахкоб нима эканини сизлардан ҳеч ким билмайди, аммо зикр қилишларича, у юз хукбдан иборат бўлиб, ҳар бир хукб етмиш минг йилга тенгдир. Унинг бир куни минг йилга тенг келади

»

. Хулоса шуки,

«

ахкоб

»

сўзи абадул-абад бўладиган азобни англатади.

[2]

«

Умид қилмасдилар

»

жумласи

«

ҳисоб-китоб қилинишдан кўркмас эдилар, унга беэътибор бўлдилар ва унга иймон келтирмас эдилар

»

каби маъноларни англатади. Саид ибн Жубайр ушбу оятни:

«

Улар савобдан умид қилмас ва жазодан кўркмас эдилар

»

, деб тафсир қилган (Ибн Мунзир ривояти).

[3]

Биз таржимада

«

етарли яхшиликдир

»

деб ифодалаган бирикма арабий матнда

□□□□□□□□ □□□□□□□□

тарзида келтирилган. Мазкур бирикма

«

берилганда кишини рози киладиган етарли ва кўп миқдордаги тортик, тухфа; инъом килинаётган киши:

«

Бўлди, етади

»

, дегунича бериладиган тортик

»

маъносини англатади. Баъзилар ушбу сўзни

«

бандалар дунёдаик чоғларида килган солих амаллар эвазига Аллох таолонинг уларга берадиган мукофотидир

»

деб изохлашган.

[\[4\]](#)

Уламолар бу ердаги

«

Рух

»

дан мурод нима экани борасида ихтилоф килишган. Ибн Аббос:

«

У Одам болаларининг рухларидир

»

, деган. Шаъбий, Заххок, Саид ибн Мансурлар:

«

У Жаброил алайхиссалом

»

, яна баъзилар эса:

«

У улуг фариштадир

»

, дейишган. Лекин

«

Рух

»

дан мурод Жаброил алайхиссалом экани хақидаги ривоят энг тўғриси саналади. Чунки Куръони Каримнинг бир неча оятларида Жаброил алайхиссаломнинг номи

«

Рух

»

тарзида келтирилган.

[5]

Бу хакида бошкача фикрлар хам бор. Жумладан, кофир одам ўзи учун тайёрлаб кўйилган азоб-укубатларни кўргач,

«

Эх, кошки, дунёдалик чоғимда тупрок килиб яратилганимда, бандалик вазифаси билан вазифаланмаганимда, бундай азобу кийноқлар бўлмасмиди?!

»

деб қолади. Имом Насафий

«

Мадорикут танзил ва хакоkit таъвил

»

номли тафсирида келтиришича, бу ердаги

«

кофир

»

дан мурод

«

иблис

»

дир. У мўминларга бериладиган мукофот ва яхшиликларни кўриб:

«

Эх, кошки, мен хам инсон боласи каби тупрокдан яратилганимда, мана шундай неъматларга эришар эдим?!

»

деб қолади.

[1] «Улар у хакида ихтилофдадирлар» оятдан келиб чиқиб баъзилар, жумладан Мужохид ва аксар уламолар «улуғ хабар»ни «Куръон карим

»

деб тафсир қилишган. Зеро, мушриклар Куръон хакида турли фикрларни билдиришган. Баъзилар

«

сеҳр

»

, баъзилар

«

шеър

»

, баъзилари

«

кохинлик

»

ва яна баъзилари

«

аввалгиларнинг афсоналари

»

, деган эдилар. Аммо улар кайта тирилишни бир овоздан инкор қилишган (Аш-Шавконий,

«

Фатхул кодийр

»

). Сод сурасининг 67-оятида:

Айтинг:

«

Ўша

(мен сизларга етказаётган сўзлар)

улуғ бир Хабардир

»

,

дейилган. Катода ва Ибн Зайд эса

«

улуғ хабар

»

ўлгандан кейин кайта тирилишдир, деб айтишган.

[2]

□□□□□□□□

сўзи

«

тўхташ, бас қилиш; дам олиш, роҳат чиқариш

»

каби маъноларни англатади. Яхудийлар шанба куни дам олганлари учун ҳам мазкур кун

□□□□□□□□ □□□□□□

дейилади.

[3]

□□□□□□□□□□

сўзи исми макон ва исми фоил бўлиб,

«

пойлаб, кузатиб туриладиган жой” ва

«

пойлаб турувчи, кўз тикиб турувчи” маъноларини ифодалайди. Бу исм муболага сийгасида ясалган бўлиб, жаханнам ва ундаги азоб фаришталари тугёнга кетган

кофирларни жуда интизорлик билан, илхак бўлиб, келса азоблайман, деб кутиб туришига далолат килади.